



МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Холмунинов Зиядулла Амирович -
Тошкент молия институтини
мустақил тадқиқотчиси

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a3](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a3)

Аннотация: Мақолада мамлакат экспорт салоҳиятини молиявий воситалар орқали ривожланишининг муҳим жиҳатлари ўрганилиб, экспорт муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари таҳлил натижаларига кўра тегишли хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: экспорт, экспорт салоҳияти, экспорт шартномаси, молиявий воситалар, молия механизми.

АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕХАНИЗМА ФИНАНСОВОЙ ПОДДЕРЖКИ
ЭКСПОРТНОГО ПОТЕНЦИАЛА СТРАНЫ

Холмунинов Зиядулла Амирович -
Научный исследователь Ташкентского
финансового института

Аннотация: В статье рассмотрены важнейшие аспекты развития экспортного потенциала страны путем финансовых инструментов, сформулированы соответствующие заключения и предложения по результатам анализа законодательства, регулирующего экспортные отношения.

Ключевые слова: экспорт, экспортный потенциал, экспортный договор, финансовые инструменты, финансовый механизм.

ANALYSIS OF THE EFFECTIVENESS OF THE MECHANISM OF FINANCIAL
SUPPORT FOR THE EXPORT POTENTIAL OF THE COUNTRY

Kholmuminov Ziyadulla Amirovich -
Researcher at the Tashkent Financial Institute

Abstract: The article considers the most important aspects of the development of the country's export potential through financial instruments, and forms relevant conclusions and proposals based on the results of the analysis of legislation regulating export relations.

Key words: export, export potential, export contract, financial instruments, financial mechanism.

Кириш. Мамлакатимиз иқтисодий таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш дастурларини, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш шароитида мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, жаҳон бозорларига рақобатдош, янги ва қайта ишланган маҳсулотларини экспортга етказиб бериш ҳажмлари ва турларини кўпайтириш, маҳсулотларни экспортга чиқаришнинг замонавий талабларга мос савдо-логистика инфратузилмасини жадал ривожлантириш – муҳим усувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев олдимизда турган муҳим вазифаларга тўхталиб: “Барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови – рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар то-

пиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади. Бу йил экспортёрларга кафилик берадиган ва харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, экспорт қилишда замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади, автомобиль ва ҳаво транспорти харажатларини қисман давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий қилинади”[1] – хусусида алоҳида таъкидлайди.

Адабиётлар таҳлили. Мамлакат экспорт салоҳиятини молиявий воситалар орқали ривожланишининг айрим жиҳатлари, шунингдек, экспортёр-корхоналарни солиққа тортишнинг назарий асослари ва солиққа тортиш механизмидаги муаммолар хорижлик

иқтисодчи олимлардан илмий асарларида тадқиқ этилган.

Мамлакатда экспорт муносабатларини рағбатлантиришга доир илмий тадқиқотлар асосан 1980 йиллар бошига тўғри келади. Экспортёр корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларини ўзига хослиги масалалари Ж. Денис ва Д. Делпелтэу илмий ишларида ўрганилган[2]. Уларнинг илмий тадқиқотларида асосий эътибор экспортёрларни қўллашда давлат томонидан ташкилий тадбирларга ва ахборот билан таъминлашга қаратилиши лозимлиги алоҳида таъкидланган. Кейинчалик шу каби тадқиқотлар Ф. Серингаус, П. Россон, Е. Генцтюрк, М. Котабеларнинг илмий асарларида мамлакат экспорт операцияларини молиявий воситалар орқали қўллашда мавжуд муаммолари аниқланган ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий тавсиялар келтирилган[3,4].

Тадқиқот доирасида қатор экспорт муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 августдаги “Экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофоти учун тўлов харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш” ВМҚ-512-сон Қарорига кўра, экспортёр корхоналар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта қилдирувчи - экспорт қилувчи ёки молияловчи шахс ҳисобланади. Мазкур Низомга кўра ушбу муносабатлар доирасида қўлланиладиган асосий тушунчаларга изоҳ берилди, хусусан:

экспорт қилувчи - Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган, маҳсулотларни хорижий давлатлардаги харидорларга экспорт шартномалариги (инвойсга) асосан сотувчи, шунингдек, экспорт ва (ёки) воситачилик шартномаларига асосан юк жўнатувчи тадбиркорлик субъекти, шу жумладан унинг ваколатли вакили;

экспорт шартномаси - товарлар (ишлар, хизматлар) экспортга экспорт қилувчи билан Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ўртасида тузилган хўжалик шартномаси;

экспорттолни молиялаштириш шартномаси - экспорт қилувчининг товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хорижий давлатларга экспорт қилиш фаолиятини кредит, кафолат, кафилик ёки бошқа шаклда молиялаштириш ёки мод-

дий қўллаб-қувватлаш бўйича хўжалик шартномаларидир.

Шунингдек, экспорт ва экспорттолни молиялаштириш шартномаларига асосан гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланилганда, суғурталовчиларга тўлаб берилган ёки тўлаб бериладиган суғурта мукофотлари 100 фоиз компенсация қилиб берилиши белгилаб берилди. Бунда ушбу суғурта шартномалари бўйича тўланадиган суғурта мукофоти миқдорининг суғурта пулининг 1 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми компенсация қилиб берилади. Компенсация қилинадиган суғурта мукофоти миқдори суғурта пулининг 1 фоизидан ошган тақдирда, ошган қисми суғурта қилдирувчи томонидан тўланади[5].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 октябрдаги “Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 601-сон Қарорига кўра, Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва масъулияти, фаолиятининг ташкилий асослари белгилаб берилди.

Ушбу Низомга кўра, Ҳукумат комиссиясининг асосий вазифаларига:

- экспорт салоҳиятини ривожлантириш;
- инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;
- ҳудудларда саноат кластерларини ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;
- олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган «йўл хариталари» нинг ижросини назорат қилиш кабилар киритилди.

Ҳукумат комиссияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга ошириши белгилаб берилди:

1) экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари соҳасида:

экспорт прогноз параметрларининг бажарилишини доимий равишда мониторинг қилиш, шунингдек келгуси йиллар учун экспорт прогнозини шакллантириш ишларини ташкил этиш; ҳудудлар ва тармоқ экспорт салоҳиятининг ўсиши ва сафарбар этилишига тўсқинлик қиладиган жорий ва тизимли муаммоларни аниқлаш; нобарқарор ташқи конъюнктура, шунингдек янги турдаги халқаро таҳдид ва хатарлар (коронавирус пандемияси каби) шароитида мамлакатнинг экс-

порт қилиш салоҳиятини ривожлантириш; экспорт фаолиятини амалга оширишда аниқланган муаммоларни ўрганиб, зарур ҳолларда жойида бартараф этиш чораларини кўриш; экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш бўйича амалий, шу жумладан қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

2) инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш масалари соҳасида: давлат инвестицияларини бошқариш тизимини такомиллаштирган ҳолда инвестиция дастурлари ва марказлашган инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириш ҳамда уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини ташкил этиш; инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ҳамда инвестиция оқимининг ўсиши ва уларнинг жалб этилишига тўсқинлик қиладиган жорий ва тизимли муаммоларни аниқлаш; инвестиция дастурлари ва тармоқлар йўналиши доирасида инвестицияларнинг ўзлаштирилиши ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳолатини ўрганиш, ишга тушган ишлаб чиқариш лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш ҳамда вужудга келаётган муаммоларни, шу жумладан жойида бартараф этиш чораларини кўриш; инвестиция лойиҳалари, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан келишилладиган кўп йиллик ҳамкорлик дастурлари ва стратегияларини тақдим этиш, улар иштирокидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъул вазирликлар, идоралар ва лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳларининг ҳисоботларини эшитиш, шунингдек, ушбу лойиҳаларнинг ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

3) ҳудудларда саноат кластерларини ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалари соҳасида: республика ҳудудларида саноатни жадал ривожлантириш ҳамда илм-фан, инновация, лойиҳа, молия, инжиниринг ва инвестиция ташкилотларини қамраб олган «саноат кластерлари»ни ташкил этиш; маҳаллий хомашё ҳамда материаллардан самарали фойдаланиш асосида қўшимча қиймат занжирини яратишни таъминлайдиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш; мамлакатнинг салоҳиятини инобатга олган ҳолда импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган, халқаро

стандартлар талабига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестициявий лойиҳа таклифларини тайёрлаш ҳамда инвесторларни жалб қилиб, уларни амалга ошириш ва бошқалар. [6]

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда. Жумладан, 2017-2020 йилларда товар айирбошлаш ҳажми 137,8 млрд. долларга етган.

Мамлакатимиз экспорти таркибида хом ашё улуши камайишига эришилган. Жумладан, 2017 йилда хом ашё жами экспортнинг 25 фоизини ташкил қилган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 16 фоизга камайган.

Экспорт қилувчи корхоналар сони 5400 тага етиб, сўнгги тўрт йилда 1891 тага (35 фоизга) кўпайди. Бу ўз навбатида, 561 млн. долларлик қўшимча экспорт кўрсаткичларини таъминлаган. Экспорт қилинадиган товарлар номенклатураси сезиларли даражада диверсификация қилиниши натижасида 2017 - 2021 йилларда экспортга чиқариладиган маҳсулотлар сони 1622 тадан 2365 тага етказилиб, 1,5 баравар ўсишга эришилган [7].

Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикаси ва ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари орасида Россия (умумий савдо айланмасининг 17,9%), Хитой (17,7%), Қозоғистон (9,3%), Туркия (8,1%) ва Жанубий Корея (4,5%) давлатлари қолмоқда. Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерациясига экспорт қилинаётган товарлар таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, асосан энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат [8].

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш, мамлакатни дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларидан бири сифатида ўрин эгаллашга қаратилгандир. 2022 йилнинг январь ойи ҳолати бўйича товарлар экспорти билан шуғулланувчи корхоналар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 81 тага кўпайган бўлиб, уларнинг бугунги кундаги сони 5400 тага етди.

2021 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 2020 йилга нисбатан 16% га ўсиб, 42,1 млрд. АҚШ долларни ташкил этди. Экспорт ҳажми 10% га ошиб, 16,6 млрд. АҚШ долларга етган бўлса, импорт 20,4% га ўсиб, 25,46 млрд. АҚШ долларни ташкил этди. Саноат товарлари экспорти олтин экспортдан ўзиб кетди.

2021 йил якунларига кўра Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2020 йилга нисбатан 16% га кўпайди ва 42,1 млрд. долларни ташкил этди.

Ўтган йил якуни бўйича ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистондан экспорт ҳажми 10% га кўпайиб, 16,611 млрд. долларга етди. Импорт ҳажми эса 20,4% га кўпайди ва 25,461 млрд. долларни ташкил қилди.

Ташқи савдо айланмасининг манфий ташқи савдо баланси 8,85 млрд. долларни ташкил этди - ўтган йили ушбу кўрсаткич 6 млрд. доллар бўлган эди.

2021 йилда Ўзбекистондан экспортнинг асосий қисмини саноат товарлари (умумий экспортнинг 26,1%), олтин (24,7%), хизматлар (15,3%) ва озиқ-овқат товарлари (8,3%) ташкил этди.

Ўз ўрнида, 2021 йилда саноат товарлари (уларга тўқимачилик маҳсулотлари, рангли металллар, темир ва пўлат киради) экспорти 2020 йилги экспорт ҳажмига нисбатан 7% га ўсган. 2020 йилда экспорт қилинган олтин ҳажми эса 2021 йилги кўрсаткичларга нисбатан 13,7% кўпроқ бўлган. Шунингдек, машиналар экспортининг улуши умумий экспорт ҳажмида 1,5 маротабага кўпайиб, 4,2% га етган.

Ўтган йил давомида Ўзбекистонга импортнинг асосий қисмини машиналар ва асбоб-ускуналар импорти (32,4%, 2020 йилга қараганда 5,2% га камроқ), саноат товарлари (18,5%), кимёвий воситалар (14,3%), озиқ-овқат товарлари (9,9%) ва хизматлар (6,8%) ташкил этди.[8]

Сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилиб, экспорт ҳажмини ошириш учун экспорт қилувчи корхоналарга молиявий кўмак бериш механизмлари яратилди.

Жаҳон бозорларида рақобат кескинлашиб бораётган шароит маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш орқали янги бозорларга ки-

риб бориш ва анъанавий бозорларда ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4707-сон Қарори алоҳида аҳамиятга эгадир. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ жорий этилган маҳсулотларни экспорт қилишда, шунингдек қайта ишлаш маҳсулотларини «реэкспорт» божхона режимида олиб чиқишда ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми маҳсулотларни автомобиль ва ҳаво транспортида экспортга ташишга ҳам татбиқ этилди.

Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га маҳсулотларни экспорт қилишда, шу жумладан 2020 йил 1 апрелдан буён амалга оширилган экспорт бўйича автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартибини тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан экспорт операциялари бўйича олиб ўтилаётган товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан жорий қилинган барча турдаги мажбурий тўловлар ва ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжудлигини текшириш амалиёти 2021 йил 1 январга қадар бекор қилинди [9].

Республика экспорт салоҳиятини ошириш, экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, ташқи савдо мувозанатини таъминлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” ги ПҚ-5184-сон Қарори ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу Қарорга кўра, экспорт билан боғлиқ савдо ва экспорттолди операцияларини молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Экспортни рағбатлантириш агентлиги талабномасига асосан Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 5 йил муддатга 1 фоиз ставка-

сида 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағлар ажратилди.

Халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банклар ва молия компанияларидан Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва маҳаллий тижорат банкларига экспорт олди молиялаштириш учун 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар жалб этилишини таъминлаб берилди [10].

Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини диверсификациялаш ва экспорт қилинадиган товарларни кенгайтириш асосида уларнинг жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майда қабул қилинган “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3693-сонли Қарори бугунги кунда ўз аҳамиятли жиҳатлари билан ажралиб туради. Мазкур Қарорга кўра, «Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзолари - ташкилотларга 2023 йил 1 январга қадар муддатда қўйидаги кўринишдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди:

- фойда солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилди;

- белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, Уюшма аъзолари - ташкилотлар томонидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ва фурнитура учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилди;

- юқоридаги тасдиқланадиган рўйхатларга киритилмаган, ўз ишлаб чиқариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар ва фурниту-

раларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашни 60 кунга қадар муддатга кечиктириш руҳсат берилди [11].

Ушбу берилган имтиёзлар ва преференциялар натижасида, жаҳон бозорларидаги конъюнктуранинг сезиларли ўзгаришларига қарамай, мамлакатимизда охириги йиллар ичида маҳсулотлар экспортини ўсганлигини, унинг тузилмасини диверсификация қилиш таъминланиб, экспорт умумий ҳажмида тайёр маҳсулотларнинг улуши ортаётганлигини кўришимиз мумкиндир.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишда экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий рағбатлантириш масалаларини янада такомиллаштириш мақсадида қўйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ривожлантириш орқали экспорт олди ва экспортни молиялаштириш механизмларини яратиш;

- турли хил хизмат турлари экспортини ташкил қилиш, уларни амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишни жадаллаштириш;

- ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш;

- юқори технологияли ускуналарни, янги турдаги техника ва технологияларни ишлаб чиқарувчи ҳамда ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларга қўшимча имтиёз ва преференцияларни кўзда тутиш;

- экспорт операциялари билан шуғулланувчи модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини амалга оширувчи корхоналарга қўшимча имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш механизминини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020 й. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (uza.uz).

2. Denis J. E., Depelteau D. *Market knowledge, diversification and export expansion //Journal of International Business Studies*. – 1985. – Т. 16. – №. 3. – pp. 77-89.

3. Seringhaus F. H. R., Rosson P. J. *Government export promotion: A global perspective*. – Routledge, 1990.

4. Gençtürk E. F., Kotabe M. *The effect of export assistance program usage on export performance: a contingency explanation //Journal of international marketing*. – 2001. – Т. 9. – №. 2. – pp. 51-72.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 августдаги “Экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда, суғурта мукофоти учун тўлов харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш” ВМҚ-512-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 октябрдаги “Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Хукумат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги б01-сон Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 16 декабрдаги “Экспорт ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш ва унинг номенклатурасини диверсификациялаш бўйича қўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақида” ги СҚ-457-IV-сон Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4707-сон Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида” ги ПҚ-5184-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майда қабул қилинган “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3693-сонли Қарори.